


LABYRINTH



Дохинская декларация:
ПООЩРЕНИЕ КУЛЬТУРЫ
СОБЛЮДЕНИЯ ЗАКОНОСТИ






МУНДАРИЖА

Миннатдорчиллик изҳори	4
Атамалар	5
I. Мазкур Қўлланмадан фойдаланиш	6
1.1 Аудитория	6
1.2 Мақсад	6
1.3 Тузилма	6
II. Контекст ва мантиқий асослаш	6
2.1 Зўравонликка асосланган экстремизм	6
2.2 Ўйин асосида таълим беришни асослаш	7
III. Ўйин учун дарс режаси	8
3.1 Материаллар	8
3.2 Инклюзивлик учун мослаштириш	8
3.3 Дарс натижалари	8
3.4 Муҳим саволлар	9
3.5 Аввалда олган билимларни мустақил баҳолаш	9
3.6 Дарс тузилмаси	10-14
3.7 Баҳолаш	15
3.8 Билимни бойитиш машқлари	15
3.9 Ота-оналарни жалб этиш	15
3.10 Сценарийларнинг карталар бўйича қисқача тавсифи	16-20
IV. Лабиринт ўйинини мослаштириш	23
4.1 Стол ўйини учун майдонни мослаштириш	23
4.2 "Кўлдаги карталар" (HYAD) тўпламидаги карталарни мослаштириш	24
4.3 "Танлов ёки Синов" карталарини мослаштириш	24
4.4 Қоидаларни ўзгартириш орқали ўйинни мослаштириш	25

LABYRINTH



МИННАТДОРЧИЛИК ИЗҲОРИ

Мазкур лойиҳа жамоаси, унда иштирок этган ўқитувчилар, мактаб ва ўқувчиларнинг ҳамкорлиги учун, уларга самимий миннатдорчилик изҳор этади. Биз учун ўз эшиклини очган мураббийлар бўймаганида, ушбу лойиҳани амалга ошира олмаган бўлар эдик. Ўрта мактаб ўқувчилари ва ўқитувчилари, Говард университети педагогика фа-култети талабалари ҳамда мураббийларига алоҳида ташаккур айтамиз. Биз ўз шери-кларимизни, хусусан Тринидадлик Умар Мухаммад, Вашингтон, Колумбия округи худудидаги мактаблар, шу жумладан Говардуниверситети қошидаги Математика ва билимлар ўрта мактабини жуда ҳам қадрлаймиз. Шу билан бирга, Шаҳар аҳолиси оз-чилиги орасида ичкиликбозлик ва гиёхванд моддаларни сунистеъмол қилиш масала-ларида аҳоли билан ишлаш бўйича Мансфилд дастурига (UMADAOP) ҳам (Огайо штати), ўйиннинг фазилатларини хатар гуруҳига мансуб ёшлар иштироқида, реал ша-роитда синовдан ўтказиш учун хавфсиз муҳит яратиб берганлари учун, миннатдорчилик билдирамиз. Биз ҳалқаро ўқув даргоҳларидағи бошқа шерикларимизга ҳам, шу жумладан лойиҳани реал шароитда синовдан ўтказишда биз билан ҳамкорлик қилган-лари учун, миннатдорчилик билдирамиз.

Мазкур ўйинни ишлаб чиқиш БМТнинг Гиёхванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси томонидан «Адолат учун таълим бериш ташаббуси» (E4J) остида молия-лаштирилган. Доха баёнотини қўллаб-қувватлар экан, E4J ташаббуси коррупциядан озод ва барча учун очиқ бўлган жамият қуришга кўмак беради ва таълим бериш орқали жиноятчиликни олдини олишга ҳамда ҳалоллик ва ўзаро ҳурмат маданиятини риво-жлантиришга алоҳида эътибор қаратади. Машғулотлар бошланғич, ўрта ва олий таълим тизимидаға ўқувчилар учун ишлаб чиқлади.

АТАМАЛАР

Үқувчилар билиши ва тушуниши лозим бўлган атамалар:

- I. **Зўравонликка асосланган экстремизм** деганда, ўз мафкуравий, диний ёки сиёсий мақсадларига эришиш учун зўравонликни қўллаб-қувватловчи ёки ундан фойдаланувчи кишиларнинг эътиқодлари ва хатти-ҳаракатлари тушунилади. Бошқача қилиб айтганда, бу – муайян радикал ва экстремистик қарашларни кучайтириш учун кишининг зўравонлиқдан фойдаланишга ёки у билан таҳдид қилишга ҳозирлиги дегани. Зўравонликка асосланган экстремизм бу – аниқ таъриф берилмаган, турли кўринишларга эга бўлган ҳолат ҳисобланади. Шундай бўлса ҳам, сўнгги пайтларда Ироқ ва Шом Ислом давлати (ИШИД), “Ал-Қаида” ва “Боко Харам” каби, террорист гурухлари бизнинг зўравонликка асосланган экстремизм тўғрисидаги тасаввуримизни шакллантириди.
- II. **Радикаллашув** – ёшларни зўравонликка асосланган экстремизмга жалб этишнинг бир қанча йўлларидан бири. Бунга эришишнинг ягона бир йўли ёки сабаблар мажмуаси мавжуд бўлмасада, аммо туртувчи ва ўз ичига тортувчи омиллар бор.
- III. **Туртувчи омиллар** – кишиларни зўравонликка асосланган экстремизмга мурожаат этишга ундаиди ва қуидаги-ларни ўз ичига олади: жамиятдан ажралиб қолиш/маргинализация, тенгсизлик, камситиш ва таъқиб этиш, сифатли таълим олишга имкониятларнинг чегараланганилиги; хуқуқ ва фуқаро эркинликларини инкор этиш; ва бошқа экологик, тарихий ва ижтимоий-иктисодий норозиликлар.
- IV. **Тортувчи омиллар** зўравонликка асосланган экстремизмнинг жозибадорлигига ҳисса қўшади. Мисол учун, пухта ташкил этилган зўравонликка асосланган экстремист гурухлари ўз иштирокчиларини, гурухларига аъзо бўлиш шарти билан, уларга хизматлар кўрсатиш, даромад ва/ёки иш тақдим этиш орқали ўз домларига «тортишлари» мумкин. Бундай гурухлар янги аъзоларини, уларга қийин вазиятлардан чиқиш йўлларини тақдим этиш ҳамда саргузашт, эркинлик ва янги дўстларни ваъда бериш орқали ҳам, тузоққа илинтиришлари мумкин.
- V. **Барқарор ривожланиш мақсадлари.** 2015 йилда давлатлар 2030 йилгacha мўлжалланган барқарор ривожланиш Кун тартибини ва 17 та Барқарор ривожланиш мақсадларини (БРМ) қабул қилдилар. БРМ барча учун янада афзал ва адолатли дунё яратиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Ушбу мақсадлар, умуман олганда, инсоният олдида турган глобал муаммоларни ҳал қилишга йўналтирилган бўлиб, қашшоқлик, тенгсизлик, иқлим, экология, тараққиёт, тинчлик ва адолат масалаларига ўз эътиборини жам қилади.

Қўшимча ресурслар: ЮНЕСКО. Зўравонликка асосланган экстремизмни бартараф этиш бўйича ўқитувчи учун Қўлланма (Teacher's guide on the prevention of violent extremism). Париж, 2016 йил.

I. МАЗКУР

ҚҮЛЛАНМАДАН ФОЙДАЛАНИШ

1.1 АУДИТОРИЯ

Қўлланма, биринчи навбатда, ўрта синф ўқитувчилари, таълим жараёни бошқарувчи-лари ҳамда методист ва «Лабиринт» ўйинидан фойдаланиши истаган ижтимоий ишчилар каби, бошқа ёрдамчи ходимлар учун мўлжалланган. Ўйин синф шароитида ўйнашга мўлжалланган бўлсада, ота-оналар ва бошқалар Қўлланмани норасмий шароитда ўйнаш учун ҳам фойдали деб топишлари мумкин, чунки унда ўйинни уйда ва бошқа муассасаларда қандай ўйнаш мумкинлиги тўғрисида маслаҳатлар мужассам бўлган.

1.2 МАҚСАД

Қўлланманинг мақсади ундан ўқитувчилар ўз синфларида фойдаланишларида ёрдам беришдан иборат. Мақсадлар тўрт қисимга бўлинади:

- ◊ Зўравонликка асосланган экстремизм ва радикаллашув муаммоларини, ўқувчиларга билим бериш орқали, ҳал қилиш учун мурраббийларга мазкур стол атрофида ўналади-ган ўйиндан синфда нима учун, қай йўсинда ва қачон фойдаланиш кераклиги юзаси-дан амалий йўл-йўриғ ва тавсияларни тақдим этиш;
- ◊ Ўйин давомида юзага келадиган тушунча ва саволларни таҳлил қилиш ва улар бўйича ишлай олишларига ёрдам бериш: бу таълим натижаларига эришишда жуда ҳам муҳим ҳисобланади;
- ◊ Зўравонликка асосланган экстремизм ва радикаллашув масалалари атрофидага афсона ва ноаниқликларни фарқлай олишларига ёрдам бериш учун, тушунча ва ғоялар ҳақида батафсилайтиб бериш; ҳамда
- ◊ Ўйин янада фойдали бўлиши ва турли шароит ва аудиторияларга мос келиши учун, уни тегишли усуллар орқали мослаштириш.

1.3 ТУЗИЛМА

Қўлланмада зўравонликка асосланган экстремизм мавзусига тааллуқли айрим концептуал асослар ўрин топган. Ўйинни қандай қилиб олдиндан кўриб чиқиш ва уни аудитория шароитида ўйнаш, шунингдек ўйин тугагандан сўнг унинг якунларини ўқувчи-лар билан қай тарзда муҳокама қилиш бўйича йўрикларни ўзида мужассам этган дарс режаси таклиф этилади.

Ўқитувчилар зўравонликка асосланган экстремизмни олдини олишда Барқарор ривоҷланиш мақсадларининг (БРМ) вазифаси каби, ўйин вақтида дуч келадиган тушунча-лар тўғрисида батафсил айтиб бера олишлари учун, билимларни бойитиш таклиф этилади. Ўйинни мослаштириш усуллари Қўлланманинг охирги қисмига киритилган.

II. КОНТЕКСТ ВА МАНТИҚИЙ АСОСЛАШ

2.1 ЗЎРАВОНЛИККА АСОСЛАНГАН ЭКСТРЕМИЗМ

Зўравонликка асосланган экстремизм ва унинг негизида ётувчи радикаллашув кучла-ри бугунги кунимиздаги энг кенг тарқалган муаммолардан бири саналади. Бу аниқ таърифга эга бўлмаган, турли кўринишдаги ҳолатdir. Аммо зўравонликка асосланган экстремизм мафкуравий, диний ёки сиёсий мақсадларга эришиш учун зўравонликни қўллаб-қувватлайдиган ёки ундан фойдаланадиган кишиларнинг маслаки ёхуд ҳаракатлари деб тасвирланиши мумкин. Бошқа сўзлар билан ифода этилганда, бу –кишининг муайян радикал ёки экстремистик қарашларини ўзгаларга мажбуран үтказиш мақсадида зўравонликдан фойдаланиш ёки у билан таҳдид қилишга ҳозирлиги дегани.

Гарчи зўравонликка асосланган экстремизм қандайдир бир ёш, жинс, гурӯҳ ёки жамоатчилик билан чегараланмаган бўлсада, бу каби хабарлар таъсирига асосан ёшлар кўпроқ дучор бўладилар. Зўравонликка асосланган экстремизмни бартараф этиш ва унга қарши курашиш учун жамиятнинг барча қатламлари саъй-ҳаракатларини бирлаштириш зарур бўлади.

2.2 ЎЙИН АСОСИДА ТАЪЛИМ БЕРИШНИ АСОСЛАШ

Ушбу муаммони ҳал қилишга йўналтирилган саъй-ҳаракатларнинг марказида таълим ётади, зеро зўравонликка асосланган экстремизмга қарши курашиш учун кишилар хатти-ҳаракатларини, дастур ва сиёсий чор-тадбирларни мувофиқлаштириш талаб этилади. Таълим соҳасидаги ўқитувчи ва бошқа мутахассислар, ўзларининг таълим беришлари ва ёшларга ўтказа оладиган таъсирлари туфайли, ўта муҳим вазифани бажарадилар. Шундай бўлса ҳам, ўқитувчиларга оқилона педагогика стратегияларини қўллаган ҳолда баҳсли масалаларни еча олишлари учун йўл-йўриқлар керак бўлади.

Таълим бериш учун ўйинлардан фойдаланиш ўқитувчиларга ўйинлар асосида ўтказиладиган дарслардан завқланадиган ўқувчиларнинг қизиқиш ва синчковликларини уйғотиш учун ноёб имконият беради. Содда қилиб айтганда, ўйинлар дарсларни завқли ўтишига хизмат қиласди. Ўйиндан сўнг эса, ўқувчилар ўйин давомида танишган тушунчалари бўйича жонли ва сермазмун муҳокамалар ўтказишлари мумкин.

III. ЎЙИН УЧУН ДАРС РЕЖАСИ

ДАРС РЕЖАСИННИГ НОМИ: СИРЛИ ЛАБИРИНТ

Мавзу: Лабиринт: ўйин асосида таълим бериш

Таълим даражаси: Ўрта

Ёш тоифаси: 13-18 ёш

Ўйин қуидагиларни ўрганишни назарда тутадиган амалий билимлардан таркиб топган:

- ◊ • Маданият ва маданий хилма-хилликни.
- ◊ • Якка тартибдаги ривожланиш ва ўзига хосликни.
- ◊ • Кишилар қандай қилиб ҳокимият тузилмасини яратишлари, унинг таъсирини ва уни бошқаришни йўлга қўйишлари, у билан ўзаро муносабатга киришишлари ва уни ўзгартиришларини.
- ◊ • Демократик жамиятдаги глобал фуқаролик идеаллари, тамойиллари ва амалиёти-ни.

3.1 МАТЕРИАЛЛАР

Ўйин таркибий қисмлари, қоғоз, қалам ва/ёки маркерлар.

1 та ўйин майдони: Сақлаб қўйиш учун иккига буқланган А3 Формат (11,7 x 16,5 дюйм). Ўйин майдони қоғоз ёки оддий картон қоғозига туширилган бўлиши мумкин. Имкони бўлса, уни ла-минация қилиш тавсия этилади.

4-8 та ўйин фигуранлари: Ҳар бир 4-8 та ўйинчидаги ўйин майдонида ҳаракатланиш учун ўз фигуранлари бўлиши керак. Қандай фигурадан фойдаланишни ўйинчиларнинг ўзлари белгилашлари мум-кин (тугмача, тошчалар, тангачалар ёки ўша ерда мавжуд бўлган бошқа нарсалар).

18 та Кўлдаги карталар

19 та «Танлов ёки Синов» карталари

1 та ўйин кубиги (сон туширилган тош)

3.2 ИНКЛЮЗИВЛИК УЧУН МОСЛАШТИРИШ

Ўйинни алоҳида эҳтиёжларга эга бўлган ўқувчилар учун мослаштириш. Ўйинлар бу аудиториядаги алоҳида

эҳтиёжларга эга бўлган болаларни жалб этишнинг аъло усули-дир.

Кўлларини ишлатишга қийналадиган болалар учун ўзгача шакл ва ўлчамдаги турли хил ўйин фигуранларини таклиф этишингиз мумкин. Кўлларини ишлатишга қийнала-диган ёки идрок этиш фаолиятида заифликлари бор болалар учун кубикларни ташлаш осон кечмаслиги мумкин. Сиз айланувчи доирадан фойдаланишнинг мумкин, ёки синф билан биргаликда рақам ва нуқтачалари бўлган момик кубик ясашингиз мумкин.

Эътибор етишмовчилиги ва гиперфаоллик синдроми бор бўлган ўқувчилар билан ўй-индан аввал машқлар ўтказинг. Ўйин қоидалари ва мақсадларини тушунтириб беринг. Синфдаги ўқувчиларнинг эҳтиёжларидан келиб чиқиб, ўйин қоидаларини ўзгарти-риш ёки яхшилашдан кўрқманг.

3.3 ДАРС НАТИЖАЛАРИ

Ўйиннинг натижаси ўлароқ, ёшлар қуидагиларнинг уддасидан чиқа оладилар:

- ◊ Стереотипларга (андозавий фикрлаш ва/ёки ҳаракатларга) қарши чиқиш.
- ◊ Бағрикенглик ва фаровонликка сабаб бўлувчи хатти-ҳаракатларни танлаш.
- ◊ Мустақил мулоҳаза қилиш ва танқидий фикрлашга ёрдам бериш.
- ◊ Интернетда учрайдиган ташвиқотларни ажратা билиш ва хабарларга баҳо бериш.
- ◊ Зўравонликка асосланган экстремизмга оид сценарийлар, шунингдек унга боғлиқ ҳатарларни таҳлил қилиш.

Ўйин натижасида ёшлар қуидагиларни ўрганадилар:

- ◊ Зўравонликка асосланган экстремизм нима ва у жамиятга қандай таъсир ўтказади.
- ◊ Уларда танлов имконияти бор ва ушбу танловлар муайян оқибатларга олиб келади.
- ◊ Хатар омиллари ва ҳимоя омиллари нималардан иборат ва улар қандай қилиб ёшлар-нинг бардошли бўлишларига таъсир ўтказа олади.

3.4 МУҲИМ САВОЛЛАР

Муҳим саволлар дарс ва таълим олишнинг асосини ташкил этади. Муҳим саволлар-нинг мақсади мулоқот, тадқиқот ва фикр юритишни рағбатлантиришдан иборат. Қуйидаги уч савол «Лабиринт» ўйинининг асосини ташкил этади.

- 1. Зўравонликка асосланган экстремизм нима ва у жамиятга қандай таъсир ўтказиши мумкин?**
- 2. Ташибиқотнинг аниқ юзага чиқиши мумкин бўлган оқибатлари нималардан иборат ва қандай қилиб уни ҳақиқий даъволовлардан фарқлаш мумкин?**
- 3. Қандай қилиб ёшлар инсон ҳуқуқларини ўз қадриятлари, ҳаракатлари ва танловлари орқали илгари суро оладилар?**

3.5 АВВАЛДА ОЛИНГАН БИЛИМЛАРНИ МУСТАҚИЛ БАҲОЛАШ

Ўқувчиларнинг билишини ёки биламиз деб ўйлашларини (хато ўйлашларини) аниқлаб олиш, янги мавзуни бошлашдан аввал жуда муҳим аҳамият касб этади. Аввалиги би-лимларни баҳолаш сизга ушбу ўйин бўйича тегишли усусларни ҳамда бошқа ҳар-қандай ўқув-услубий тадбирларни режалаштиришга ёрдам беради. Ўқувчиларнинг аввалда олган билимларини баҳолаш стратегияларидан бири уларга бу ишни мустақил равишда бажаришларига имкон беришdir. Бошқача қилиб айтганда, уларга нимани билишларини намойиш этишга имконият яратинг. Ўз-ўзини баҳолаш ишончли бўлиши учун, жавобларнинг самимий бўлишини рағбатлантириш мақсадида, у кўп куч талаб этмаслиги ва мавҳум шаклда ўтказилиши керак. Мақсад – ўқувчиларингизнинг билим ва кўникмалари қай даражада эканини билиб олишдан иборат, уларнинг дарсларни ўзлаштириш даражаларини эмас.

Юқоридагиларни инобатга олиб, саволлар ўқувчиларингиздан кутилаётган зарурий билим, кўникма ва та-

жрибаларга, шунингдек ўқувчилар ўйиндан сўнг қандай билим ва кўникмаларни шакллантира олишлари кераклигига қаратилиши лозим. Дастребаби тест саволларида ўқувчиларни ўзларини қўйидаги бўлимлардан иборат бўлган шкала бўйича баҳолашларини сўранг:

- 1 = Мен атама (зўравонликка асосланган экстремизм ёки радикаллашув) ҳақида эшит-ганман.
- 2 = Мен атамани (зўравонликка асосланган экстремизмни) таърифлай оламан.
- 3 = Мен атамани (зўравонликка асосланган экстремизмни) дўстимга тушунтира ола-ман.
- 4 = Мен атамани (зўравонликка асосланган экстремизмни) муаммони ҳал қилиш учун қўллай оламан.

Шу билан бирга, аввалда олинган билимларни баҳолаш учун, KWLQ стратегиясидан ҳам фойдаланишингиз мумкин. Мазкур ўз-ўзини баҳолаш машғулотини болалар билан гуруҳларда ёки якка тартибда ўтказиш мумкин. Мақсад – улар зўравонликка асосланган экстремизм ҳақида нимани билишлари (K), нимани ўрганишни исташлари (W) ва улар нимани ўрганганларини (L) аниқлашдан иборат. Ва ниҳоят, уларда яна қандай саволлар (Q) борлиги аниқланади. Ўз-ўзини баҳолаш машғулоти учун қўйида келти-рилган иш рўйхатидан фойдаланса бўлади.

3.6 ДАРС ТУЗИЛМАСИ

МАЗМУНИ

Вақт	Аввалда олинган билимларни мустақил баҳолаш	Үқитиш усуллари / материаллар
20-30 минут	<p>Ўқувчилар мустақил равишда ўзларининг аввалда олган би-лимларини баҳолашлари учун KWLQ стратегиясидан фойда-ланинг. Ўз-ўзини баҳолаш машғулотини гурухларда ёки якка тартибда катта ўлчамдаги қоғоз, синф доскаси, оддий қоғоз ёки компьютер ёрдамида ўтказиш мумкин.</p> <p>Аввалда олинган билимларни баҳолаш сизга ўйин бўйича тегишли услубни ва навбатдаги ҳар қандай ўқув тадбирларини режалаштиришга ёрдам беради.</p> <ol style="list-style-type: none"> Ўқувчилардан зўравонликка асосланган экстремизм тўғри-сида билган (K) барча нарсаларини ёзиб чиқишиларини сўранг. (Илтимос, уларга бу атаманинг таърифини хозирча айтмай туринг). Сўнгра, улардан зўравонликка асосланган экстремизм тўғрисида нимани (W) билишни истаётганларини белгилашларини сўранг. Ҳulosалар қилиш. Ўқувчиларнинг ўз-ўзини баҳолаш да-вомида пайдо бўлган фикрларига мос келадиган атамаларни кўриб чиқинг. Ўқувчилар ўз ишларини тақдимот қиласидилар. 	<p>Биргаликда ўрга-ниш ёки гурӯҳ бўлиб ишлайди-ган бошқа усул-лар</p> <p>Материаллар: Ушбу баҳолаш ишида KWL иш рўйхатидан фой-даланса бўлади.</p>

МАЗМУНИ

Вақт	Ассосий мазмуни	Үқитиш усуллари
30 дақиқа	<p>I Қисм: Лабиринт синоати орқали ўйин моҳияти билан танишув</p> <p>1. Ўқувчиларни лабиринт синоатига қизиқтириш орқали ўйин ва унинг моҳиятини тушунтиринг (ўйин майдони лабиринт ва чигалликнинг атайлаб бирлаштирилган шаклида ту-зилган).</p> <p>2. Ўқувчиларни синоатга қизиқтиринг; агар унда бирон сир-синоат бўлмаса, ўқувчилар уни ўрганишига арзимайди деган тўхтамга келиб қолишилари мумкин. Албатта, зўравонликка асосланган экстремизм ёшларни ташвишга солмайди, уларга қизик эмас деб айтмоқчимасмиз, бу ундай эмас. Аммо санъатнинг бу шакли, ўйин майдони учун ўзининг синоатли экани ва қадим тарихга эга экани учун, танлаб олинган – уруш ва зўравонлик экстремизми каби, у ҳам шу қадар қадимиш ва замонавийдир.</p> <p>3. Ўқувчиларга санъат ва таълим шакли сифатида лабиринтлар, ўз оммаболлиги ва мавжудлиги нафақат турли даврларда, балки турли маданиятларда ҳам, ҳайратланарли даражада узоқ давомийликка эга эканини тушуниб етишларига кўмак беринг. Шундай бўлсада, мазкур тасвирий ва ҳайкал шаклидаги обьектларнинг аҳамияти ва қўлланилиш мақсадлари тўғрисидаги маълумотлар жуда ҳам оз.</p> <p>4. Ёш ўғил ва қизларни қизиқтирадиган синоат шундан иборатки, лабиринт мақсадлари унуптилган, аммо унга оид тасвирий далиллар сақланиб қолган. Улар инсон тасаввурининг ажойиб ҳосили бўлиб, нима сабабдан улар шу кунгача яшаб келмоқда деган савонли ўртага ташлайди.</p> <p>5. Стол ўйини лабиринт ғоясидан келиб чиқсан ҳолда тузилган. Лабиринт бу – шу жумладан грек, рим, европа, осиё, миср, мезоамерика жамиятларида ҳамда яқин шарқ адабиёти ва афсоналарида чукур илдиз отган, шунингдек сирли, аллақачон унуптилган мақсадларга эга бўлган санъат шакли ҳисобланади (PowerPoint қўшимча материалига қаранг).</p> <p>6. Қадими лабиринт вазифаси аввалда ҳам, бугунги кунда ҳам таълим, яъни дарс беришдан иборат. Бундан фарқли улароқ, чигалликлар йўлак ва ўтиш жойларининг бир қанча номунтазам тармоқларини ифода этиб, улардан ўйинчи ўтиб борар экан, унга кириш учун, кейин эса, ундан яна қайта чиқиб олиш учун бор кучини сарфлайди.</p> <p>7. Улар, чигалликда қандай қилиб ўз йўлини топишга урунаётган кишини машғул қилиш ва синовга дучор қилишга мўлжалланган шаклда бўлган ва доим шундай бўлиб қолиши зарур. Бу ўйин бирининг вазифаси, иккincinnинг эса шаклидан фойдаланади; таълим воситаси сифатида лабиринтнинг қадими анъанасидан ҳамда ўйинчилар ҳаракатланиш учун мураккаб деб биладиган йўлларнинг жумбокли мажмуаси сифатида эса, чигалликнинг замонавий усулидан фойдаланади.</p>	<p>Ўқитиш усуллари</p> <p>Биргаликда ўрга-ниш ёки гурух бўлиб ишлайди-ган бошқа усул-лар</p> <p>Ўйин асосида ўрганиш</p>

МАЗМУНИ

Вақт	Ассосий мазмуни	Үқитиш усуллари / материаллар
30-45 дақиқа	<p>II Қисм: Ўйинга тайёргарлик күриш ва ўйнаш</p> <p>Ўйиннинг барча қисмлари, жумладан унинг мақсадлари, йўл-йўриқлари, қандай ўйнаш ва ғолиб чиқиш бўйича қоидалари билан аввалдан танишиб чиқинг. Ўқувчиларга ўйиннинг якуннида нимани ўрганишлари ва уддасидан чиқа олишлари лозимлигини тушунтиринг.</p> <p>Ўқувчиларга ўйинни шарҳлаб бериш (бу ишни бажаришни уларнинг ўзига ташлаб қўйиш ўрнига) алоҳида эҳтиёжларга, шу жумладан жисмоний ва идрок этиш эҳтиёжларига эга бўлган ўқувчилар учун алоҳида аҳамият касб этади.</p> <p>Таълим натижалари:</p> <ul style="list-style-type: none"> ◊ Стереотипларга (андозавий фикрлаш ва/ёки ҳаракатларга) қарши чиқиш. ◊ Бағрикенглик ва фаровонликка сабаб бўлувчи хатти-ҳаракатларни танлаш. ◊ Мустақил мулоҳаза қилиш ва танқидий фикрлашга ёрдам бериш. ◊ Интернетда учрайдиган ташвиқотларни ажратса билиш ва хабарларга баҳо бериш. ◊ Зўравонликка асосланган экстремизмга оид сценарийлар, шунингдек унга боғлиқ хатарларни таҳлил қилиш.. <p>Ўйин учун керакли материалларни тўпланг ва ўйин йўриқномаси билан танишиб чиқинг.</p> <p>Ўйин шундай ишлаб чиқилганки, уни юклаб олишингиз, босмадан чиқаришингиз, кесиб олишингиз ва ўйнашингиз мумкин. Уни тахтага ёки картон қоғозга босиб чиқариш мумкин. Қоғозга босилган ўйин майдони мустаҳкам бўлиши учун, уни ламинация қилиб олиш тавсия этилади. Ўйин фи-гурулари ҳам келтирилган ва уларни кесиб олиш мумкин. Ўйин майдонининг икки тарафида иккита карта тўплами бор.</p> <p>Лабиринтга кириш учун битта йўл мавжуд бўлиб, унинг марказига элтувчи бир неча кириш йўллари бор. Ҳар бир ўйинчига майдоннинг бошланғич нуқталаридан бирига жой-лаштириладиган ўйин фигураси берилади. Агар ўйинда 2 тадан 4 нафаргача ўйинчи бўлса, у қизиқарли кечади</p>	<p>Обратитесь к разделу на странице 8 плана урока, где описано, как игру можно адаптировать к потребностям учащихся с особыми потребностями.</p>

МАЗМУНИ

Вақт	Ассосий мазмуни
30-45 дақиқа	<p>Үйин мақсадини тушунтириңг.</p> <p>Үқувчилар лабиринтнинг марказига муваффақиятли етиб олишлари ва қахрамон мақомига эришишлари үйин мақса-дини ташкил этади. Бунга, бағрикенглик ва саҳоват, шунингдек зўравонлик ва радикаллашувга етакловчи, қарама-қарши йўллардан иборат бўлган лабиринтда муносиб қарорлар қабул қилиш ва ўз йўлинни топиш орқали, эришилади.</p> <p>Йўриқномани аудитория билан биргаликда олдиндан ўр-ганиб чиқинг.</p> <p>Үйинчилар лабиринт чигалликлари оралаб унинг марказига соат стрелкасига қарши ҳаракатланиш орқали етиб бришади. Майдоннинг ҳар бир ерида үйинчи учун үйин майдонининг кейинги босқичига ўтишга имкон бера оладиган, маълум ҳаракатлар, синов ва танловлар назарда тутилади.</p> <p>Карталарни ўқинг.</p> <p>Үйинчилар тегишли ерга етиб келганларида, картани тўпламдан чиқариб, ундаги матнни қолган үйинчиларга овоз чиқариб ўқиб берадилар. Айрим карталар үйинчилар олди-ларига бирон синов қўйса, айримлари улардан маълум танлов қилишларини сўрайди. Үқувчиларга, берилган савол-га жавоб беришдан аввал, картанинг ортидаги ёзувни ўқимай туришларини эслатинг. Ўқий олиш қобилияти чегараланган үқувчиларга ёрдам беринг, ёки үйиннинг бошқа иштирокчи-ларидан, ўқишга қийналадиган ҳар қандай үйинчиларга ёрдам беришларини сўранг.</p> <p>Қаҳрамон бўлиш.</p> <p>Үйинчилар тўғри танлов қиласар эканлар, ўзларига ва бошқа үйинчиларга ёрдам бериш жараёнида танлов, синов ва имко-нийтларга юз тутадилар. Үйинчи марказга етиб келиши би-лан, у қаҳрамонга айланади.</p> <p>Қандай қилиб ғалаба қозонилади.</p> <p>Үйинчилар лабиринт марказига ўз йўлларини очиб борар эканлар, улар «ғолиб» чиқадилар. Пировард натижада барча үйинчилар марказга етиб келадилар. Чигалликни биринчи бўлиб якунлаган үйинчи ғолиб чиқади, аммо үйин якуннада барча үйинчилар ғолиб бўладилар. Чигалликда, унинг марка-зига элитувчи турли хил йўллар бўлиши мумкин.</p> <p>Иштирокчиларни гурухларга ажратиб, үйинни бошланг.</p> <p>Үйин майдонлари сонига қараб, үқувчиларни 4-8 нафардан гурухларга ажратинг.</p> <p>Ўйин давомида.</p> <p>Үқувчилар үйин билан машғул пайтларида хонада ҳаракат-ланиб, улар вазифани бажара-ётгандарига ишонч ҳосил қилинг ва ҳар қандай саволларига жавоб беринг.</p>

МАЗМУНИ

Вақт	Ассоcий мазмуні	Үқитиш усуллари
20-25 дақықа	<p>Үйин якунидан сұнг, унинг натижаларини мұхокама қилиш.</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Үйиндан сұнг ўқувчиларни KWLQ машғулотига қайтишла-рини ва нимани ўрганғанларини (L) аниқлашларини сұранг. 2. Үйин гурұх бўлиб биргаликда ишлаш шаклида ўтгани сабаб, ҳар бир жамоага ўрганған янги нарсаларининг рўйхатини тузиш қизиқарли бўлади. 3. Бутун синф билан үйин якунларини мұхокама қилинг. <p>Бошланишига уларга үйин ёққанligини сұранг. Нима учун үйин уларга ёққан ёки ёқмаганини тушунтириб беришлари-ни сұранг. Бу маълумотдан үйиннин мунтазам равишда тако-миллаштириш учун фойдаланиш мумкин.</p> <p>Сұнгра ўқувчилардан үйинде күтарилиган саволлар тўғрисида сұранг. Бу иш жуда мұхим ва у, имкони борича, үйин ўйналған күннинг ўзидаёқ бажаралиши керак. Ўқувчиларни «Кўлдаги карталар» (HYAD) тўпламидан ўзлари учун нота-ниш бўлган гурӯх хусусиятларини қабул қилишларини талаб этган картани тортиб чиқаришларига тўғри келганида, ҳис қилған туйғуларини мұхокама қилишга жалб этиб кўринг. Масалан, ўғил болаларни қиз болаларга нисбатан кўпроқ қадрлайдиган жамиятда яшовчи ўғил бола, картани қиз бола сифатида тортиб чиқаради.</p> <p>4. Мұхим хабарлар. (Ўқувчилар қуйидаги мұхим тушунчаларни тушунаётганла-рига ишонч ҳосил қилинг.)</p> <ul style="list-style-type: none"> ◊ Зўравонликни ёки унинг таҳдиини сиёсий, ёки бошқа мақсадларга эришиш учун қўллаш қонунга зид. ◊ Айримликка ва турфа-ҳилликка ҳурмат соғлом, ривожланаёт-ган ва барқарор жамият учун мұхим аҳамият касб этади. ◊ Зўравонликка асосланған экстремизмни, одатда яккаланиб қолиш, бегоналашиб кетиш ва ранж-алам ҳиссиётлари, шу-нингдек қўрқув, жаҳолат, камситилиш, ўз-ўзини паст санаш ҳамда муросасизлик ҳаракатга келтиради. Барқарорликни ошириш учун, зўравонликка асосланған экстремизмга қарши чора-тадбирлар шундай тарзда кўрилиши керакки, инсон ҳуқуқларини қонунустуворлигига эҳтиром билан муноса-батда бўлинсин, акс ҳолда бегоналашиб кетиш ва яккаланиб қолиш ҳиссини кучайтириб юбориш мумкин. <p>Эндиғина ўтказган дарсингиз тўғрисида фикр юритиши: Дарсни ўтказиб бўлгач, имкони борича тезда, олинган тажриба тўғрисида фикр юритиб кўринг. Ушбу жараённи олиб бориш учун, қуйидаги тавсияларга мурожаат этинг.</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Сизнинг дарс беришингиз қандай кечди? 2. Баҳолаш асосида (KWLQ) ўқувчилар аслида нимани ўрган-дилар? Ким ўрганди? Нимани ўргандилар? 3. Эртага худди шундай дарсни ўтказишингиз керак бўлса, сиз нимани ўзгача бажарган бўлар эдингиз? 	Үқитиш усуллари Кичик гурӯхлар-да мұхокамалар ўтказиш
10-15 дақықа	<p>Фикр юритиши бу – ўз-ўзини мунтазам таҳлил қилиш ва яхшилаш учун иш куроли.</p>	

3.7 БАҲОЛАШ

Форматив баҳолаш: Хонада юриб, ўйинда иштирок этат-ётган ўқувчиларни кузатиб бринг. Уларнинг ўйин стратегияларига риоя этинг ва саволларини қайд этиб боринг.

Якуний баҳолаш: KWLга мувофиқ ўқувчилар ўзларини мустақил тарзда баҳолашлари-ни қайд этиб боринг ва бу баҳоларни ўқувчилар ўйинда иштирок этгандаридан сўнг ўзлаштирган янги билимлари билан таққосланг.

3.8 БИЛИМНИ БОЙИТИШ МАШҚЛАРИ

Билимни бойитиш машқларининг Лабиринтлар билан боғлиқ бир неча хиллари мавжуд бўлиб, уларни, ўқувчилар муаммонинг янгича ечиш усувларини ахтараётган-ларида улар учун синов тариқасида ҳам қўлласа бўлади. Ўйиндан олдин ёки кейин, ёшлар қўйидагиларни бажара оладилар:

- ◊ Қадимий ёки замонавий лабиринтлар суратини мустақил тарзда чизиш.
- ◊ Лабиринт/чигаллик тузилемасидан фойдаланган ҳолда, ўз ўйинларини ишлаб чиқиш.
- ◊ Қум, тупроқ ёки қор юзасида каттароқ лабиринт ёки чигалликни барпо қилиш ва ўйин қоидаларини ишлаб чиқиш.
- ◊ Лабиринт ва чигалликлардан тарихнинг турли даврларида нима мақсаддада фойдала-нилганини тадқиқ қилиш.
- ◊ Асрлар мобайнида у ёки бу кўринишдаги лабиринт ёхуд чигаллик нима мақсадлар учун фойдаланилганини қандай қилиб унutilган бўлиши мумкинлигини ижодий та-саввур қилиш.
- ◊ Бирон мактаб фани бўйича дарс ўтиш ёки ана шу фан бўйича ўзининг билимларини текшириб кўриш учун лабиринт ёки чигалликни ишлаб чиқиш ва ундан фойдаланиш.
- ◊ Ёш йигит ва қизлар билан, уларда мақсад ҳисси шаклланишига ёрдам бериш учун, ла-бираинtlардан фойдаланиш усувлари тўғрисида муҳокама ўтказиш.
- ◊ Ўзида саёҳат қилиш, таълим олиш, тушунча ҳосил қилиш ва саргузаштларни бошдан кечириш учун кўшимчма имкониятларни мужассам этиши мумкин бўлган, ўз стол ёки электрон ўйинларини тасаввур қилиш ёки яратиш орқали, мазкур ўйин ғояларини чуқурроқ тушунтиринг.

Ўйинни такомиллаштириш, ўзгартириш ёки унга кўшимчалар киритиш юзасидан ўз таклиф ва мuloҳазаларини юбориш. Биз билан қўйидаги манзил орқали боғланиш мумкин: hbond@howard.edu.

3.9 ОТА-ОНАЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШ

ри иштирокини энг яхши усулда қўллаб-қувватлай олишлари юзасидан, сұхбатла-шинг. Бу ўринда қуйида бир неча тавсиялар келади.

Ота-оналарга бу ўйинни одатда мактабда ўйналишини, аммо уйда ҳам ўйнаса бўли-шини айтинг. Шу муносабат билан, унда ота-оналарнинг иштирок этиши тавсия эти-лади. Ота-оналарнинг ўйинда иштирок этиши ўз фарзандларига, танқидий мuloҳаза юритиш ва мустақил фикрга эга бўлиш каби, муҳим билим, кўникма ва кўрсатмаларни ўзлаштиришларига ёрдам бериши мумкин. Қуйида бу ўйиндан энг кўп унум олишда болаларга қандай қилиб кўмак бериш мумкинлиги тўғрисида тавсиялар келади. Агар уларда ўйиннга оид саволлар бўлса, уларни сизлардан сўрашлариги тарғиб қилиб ту-ринг.

Ўз фарзандингизга қўйидагича ёрдам беринг:

- ◊ Бу ўйинни у билан бирга ўйнаш орқали.
- ◊ Фарзандингиз бу ўйинни ўз оиласи ва ўртоқлари билан бирга ўйнашини рағбатланти-риш орқали.
- ◊ Картада ва ўйин майдонидаги сценарийларни ўқиб беришларини сўраш (ёки уларни ўқишида уларга ёрдам бериш) орқали.
- ◊ Бола билан ўйин тўғрисида сұхбатлашиш орқали – улар нимани ўргандилар, нима уларга ёқди-ю, нима ёқмади.
- ◊ Картадаги сценарийлар ва ўйин билан боғлиқ хатарларни муҳокама этиш орқали.
- ◊ Уларда савол бор-йўқлигини сўраш орқали. Агар уларнинг саволларига жавоб бера олмасангиз, ушбу саволларга жавоб бера оладиган одамга мурожаат қилинг.
- ◊ Мақсадга янада мувофиқ бўлиши учун, ўйинга ўзгартиришлар киритишини қўллаб-қувватлаш орқали. Мисол учун, кўшимча карта ва сценарийлар киритилиши мумкин.
- ◊ Ўйиннинг қизиқарли жиҳатларини ўрганиш орқали, мисол учун, кишилар муаммо-ларни қандай қилиб зўравонликка мурожаат этмай туриб, ҳал қилишлари мумкин, ёки нима сабабдан лабиринtlар инсонларни бир неча юз йиллар оша ўзига қизиқтириб келмоқда.
- ◊ Уларни ўз лабиринт ёки чигалликларини қофоз, қум, тупроқ ёки қор юзасида яратишга илҳомлантириш орқали.

3.10 СЦЕНАРИЙЛАРНИНГ КАРТАЛАР БҮЙИЧА ҚИСҚАЧИ ТАВСИФИ

18 ТА «ҚҰЛДАГИ КАРТАЛАР» (HYAD) ТҮПЛАМИ

HYAD карталари кимнингдир ҳәёти иптиносини ифода этади. Баъзи одамлар афзалроқ шароитда дунёга келса, айримлар ижти-моий жиҳатдан нобог шароитда дунёга келади. Ўйинчилар ўйин майдонига құл рамзи туширилған ерга келишлари ва HYAD картарап түпламидан карта олишлари керак бўлади. Ушбу ўйин стратегиясини мантиқий жиҳатдан асослаш шундан иборатки, ўйин-чиларга, уларнинг якка тартибда ёки гурух таркибида бўлиши қандай қилиб ўз ҳаётларига муайян афзалликлар ва / ёки камчи-ликлар олиб келиши ҳақида ўйлаб кўришларига, шунингдек мазкур гурухга хос хусусиятлар шундай тарзда кесишиши мумкинки, натижада улар бир вақтнинг ўзида ҳам афзалликларни ва ҳам камчиликларни бошларидан кечиришлари мумкин бўлишини тушу-нишларига имконият яратади. Мана шу афзалликлар ва камчиликларнинг ўзаро бириккан тизими, шунингдек ранж-алам ва зўра-вонлик ва / ёки тенгсизликни бартараф этиш учун зўравонликни кўллашга ҳозирлик кўриш манбаи бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Карталар бўйича сценарийлар	Ўйинга таъсири	Ўйин графикаси	Барқарор ривожланиш мақсадлари (БРМ)
Сиз қиз болалардан кўра ўғил болаларни кўпроқ қадрлайдиган жамиятда яшовчи қиз боласиз.	Бир қадам ортга қайтинг.		5 БРМ
Сиз урушдан, таъқибдан ёки табиий оғат-дан қочиш мақсадида, ўз юрtingизни тарк этишга мажбур бўлгансиз.	Ўнг тарафингиздаги ўйинчи билан қўлингизни алмашинг. У ўйинчи ўз картасини тўпламга қайтариб, HYAD тўпламидан янгисини олади.		10 ва 16 БРМ
Сизнинг ақлий қобилиятингиз, кўринишингиз ва сўзлашишингизга қараб гумон остига олинмайди.	Бу картани ўзгартиринг ва HYAD тўпламидан янгисини олинг.		16 БРМ
Сиз оиласиз билан бой миллатда яшайсиз.	Қўшимча бир қадам юринг.		1, 3, 10 БРМ
Сиз полиомиелитни енгиб ўтгансиз. Аммо, юришга қийналасиз.	Яна 2 қадамга олинга силжинг.		3 БРМ
Сиз камбағал, лекин меҳнат-севар оиласада дунёга келгансиз.	Орқага 4 қадам қайтинг, сўнг олдингга 2 қадам силжинг.		1 ва 10 БРМ
Сиз мактабнинг бошланғич синфларини тамомлагансиз, аммо ўрта мактабда ўқиш имкониятингиз бўлмаган.	5 қадам олдинга силжинг, сўнгра 2 қадам орқага.		4, 5, 10 БРМ
Сиз етимсиз.	Чап тарафингиздаги ўйинчи билан қўлингизни алмашинг. У ўйинчи ўз картасини тўпламга қайтариб, HYAD тўпламидан янгисини олади.		1 ва 3 БРМ
Сизда интернетдан фойдаланиш имконияти бор.	Яна 4 қадам олдинга силжинг.		1 ва 10 БРМ
Сиз энг қўйи кастага (ёки стигмага юз тутган гурухга) мансубсиз.	Битта юриш йўқотасиз.		10 ва 16 БРМ
Онангиз олий ўқув юртини тугаллаган.	Сиз қўшимча юришга эга бўлдингиз.		1 ва 10 БРМ

Карталар бўйича сценарийлар	Ўйинга таъсири	Ўйин графикаси	Барқарор ри-вожланиш мақсадлари (БРМ)
Сиз хато қилишингиз мумкин, лекин бу сизнинг жинсингиз, ирқингиз, этник ёки динга мансублигингиз сабабидан эмас.	5 қадам олдинга силжинг.		10 ва 16 БРМ
Мактабингиз кутубхонасида китоблар ва компьютерлар ўқувчилар учун бисёр.	Сиз қўшимча юришга эга бўлдингиз.		1 ва 16 БРМ
Фамилиянигиз туфайли сизнинг жигингизга тегадилар.	Юриш йўқотасиз.		16 БРМ
Сиз мамлакатингиздаги этник ёки ирқий кўпчиликга мансубсиз.	Сиз қўшимча юришга эга бўлдингиз.		3, 5, 16 БРМ
Мактабингиз ва маҳаллангизда ижобий ролларда сизга ўхшайдиган кишилар кўп топилади.	Яна 2 қадам олдинга силжинг.		16 БРМ
Сиздаги ногиронлик ёки алоҳида эҳтиёж туфайли сизни ҳеч қачон мазаҳ қилмаганлар, жигингизга тегмаганлар ва сиздан ўзларини олиб қочмаганлар.	5 та қўшимча қадам олдинга силжинг.		16 БРМ
Мактабдаги барча фанлардан яхши натижага эришишга сизда рағбат йўқ.	Икки қадам ортга қайтинг.		3, 10, 16 БРМ
ЎЗ НУАД КАРТАНГИЗНИ ТУЗИНГ	Бу қандай қилиб ўйинга таъсир ўтказишини кўрсатинг.		Ушбу карта БРМ доирасида қандай масалани ҳал қиласди?

19 ТА ТАНЛОВ ВА СИНОВ КАРТАЛАРИ

Үйин майдонида еттита катаңча бўлиб, у ерда ўқувчилар карталар тўпламидан Танлов ёки Синов картасини олишлари сўралади. Бу карта тўплами ўзида танлов ва синовларни, шунингдек Барқарор ривожланиш мақсадлари (БРМ) ифодаланган совринли карталарни ҳам мужассам этади. БРМ карталари ўйинчиларга Лабиринтнинг навбатдаги босқичига ўтишга имкон беради. Ушбу карталар барқарор ҳаракатлар учун соврин вазифасини ўтайди. Ўйинчилар ушбу карталардан навбатдаги босқичига ўтишга, ёки қаҳрамон ва ғолиб бўлиш мақсадида, Лабиринтнинг марказига йўлни кесиб ўтиш учун фойдаланишлари мумкин.

Карталар бўйича сценарийлар	Ўйинга таъсири	Ўйин графикаси	БРМ
Ҳамма ғолиб бўлади: мактабдаги ўртоқла-рингиз қиз болаларни, улар бу мактабда ўқимасликлари керак деб, мазах қиласидилар. Улар сизни ҳам ўзларига қўшилишга чорлайдилар. Нима қилиш керак?	Картанинг орқа томони. Сиз бунга рози бўлмадингиз ва дарҳол нима бўлаётганини ёши катта одамга айтдингиз. Қиз боланинг мактабда таълим олишга бўлган хуқуқини қўллаб-кувватловчи барча ўйинчилар, ўйин майдонининг қаерида турганларидан қатъий назар, 5 қадам олдинга силжийдилар. Қиз болалар сифатли таълим олсалар, бундан ҳамма ютади!		5 БРМ
Сизни ўз домларига тортишларига ҳам, унга тутишга ундашларига ҳам йўл қўй-манг: Сиз интернетда янги гурухни топ-гуннингизга қадар ёлғиз эдингиз ва ўзингизга дўст ахтара-ётган эдингиз. Бу гурух эса сизни муҳокирларни таъқиб қилиш ва уларга зарар етказиш ҳақидаги сұхбатларига қўшилишга таклиф этди. Қўшилган бўлармидингиз?	Картанинг орқа томони. Йўқ, уларга қўшилишингиз керак эмас. Ўз маҳаллангиз ёки мактабингизда янги ўртоқлар-ни топишга ҳаракат қилинг, ёки оила аъзола-рингиздан ёрдам сўранг. Қийин ҳоллардан чиқиш йўлларини таклиф этиш ва дўстлик ваъда қилиш – бу душманлик қиласидиган гу-руҳларига янги аъзоларни ёл-лашга интиладидар. Агар тўғри жавоб берган бўлсангиз, олдинга 5 қадам силжинг. Агар «ҳа» деб жавоб берган бўлсангиз, дарҳол майдондаги энг яқин боши берк кўчага боринг. Навбатдаги юришдан маҳрум бўлдингиз.	Боши берк кўча	10 ва 16 БРМ
Бандвагэн Блюз (Bandwagon Blues): Радио-даги реклама орқали хабар берилдики, аксарият машҳур ва буюк одамлар маълум бир иш/ҳаракат тўғри ва қолган барча одамлар эса, хато қиласидилар, деган фикрни баҳам кўрадилар. Мен ким бўлибманки, уларнинг фикрларига рози бўлмасам? Бу ташвиқотми ёки далил?	Картанинг орқа томони. Бу ташвиқот. Ушбу реклама ҳақиқатни бузиб кўрсатмоқда, шунинг учун уларнинг бу фикр-ларига баҳо бермайсиз. Тўғри жавоб берган бўлсангиз, 4 қадам олдинга силжинг. Нотўғри жавоб берган бўлсангиз, майдондаги йўлнинг ёпик ерига ўтинг.	Йўл ёпик	16 БРМ
Яна мактабга: Мен мактабда у қадар ҳам яхши ўқимайман ва ўқишини ташламоқчиман. Ўқишини ташламанг. Ўқитувчиларингиз, ота-онангиз ёки сиз ишонадиган бирон кимса би-лан бу ҳақда сұхбатлашинг. Таълим сизга зўравонлик ва эксплуатация олдида заиф бўлмасликка хизмат қиласиди ва бардошингизни оширишга ёки оғир пайтлардан сўнг ўзин-гизга келиб олишга ёрдам беради.	Картанинг орқа томони. Энг яқин бўлган айланиб олиш жойидан айла-ниб олинг ва олдинга 10 қадам силжинг.	Сўнг	4 БРМ
Нафратни ёзиш: Ўртоқларингиз сиздан гомосексуалларга нис-батан нафрат уйғотадиган хабарларни мактаб деворига ёзишлирида уларга қўшилишингизни сўради. Сиз бош тортдингиз ва мутасад-диларга бу ҳақда хабар бердингиз.	Картанинг орқа томони. Ўзгаларга бўлган хурмат, нафрат уйғотадиган хабарларни ёзишдан бош тортганингиз ва ёмон хулқ-атвор тўғрисида хабар берганингиз учун олдинга 8 қадам силжинг. Тугатганиздан сўнг, картани, юзини пастга қилиб, тўпламнинг ости-га қўйинг. Сиз барқарор ҳаракатлар учун тақдирланаисиз.		3 ва 16 БРМ

Карталар бўйича сценарийлар	Ўйинга тъсири	Ўйин графикаси	БРМ
Ирқ бўйича фарқлаш: Мен ирқ бўйича фарқламайман, чунки қора танли ўртоқларим бор. Танасининг ранги ўз-гача бўлган ўртоқларингиз бўлгани учун, сиз ирқни фарқлашдан ўзингизни муҳофаза қила олмайсиз. Инсоннинг ирқ ва этник жиҳатдан ўзига хослигини рад этиш бу стереотиплар шаклидир ва ҳақоратлидир.	Картанинг орқа томони. Йўлдаги тўсиққа қараб ҳаракатланинг ва ўзин-гизнинг навбатдаги муюлишингизни кутинг.	!	16 БРМ
ракат қилиш пайти! Улар бизга хизо-роқ ҳаракат қилишимизни айтдилар, бўлмаса ҳаёт тарзимиз ҳавф остига тушиб қолади. Ташвиқотми ёки ишонтириш?	Картанинг орқа томони. Кимнидир ниманидир бажаришга ишонтириш ёки бирон ҳаракатларни амалга ошириш учун қўрқитишдан фойдаланиш ташвиқот дейилади. Агар ташвиқот деган бўлсангиз, икки қадам илгари силжинг. Агар ишонтириш деган бўл-сангиз, ортга 3 қадам қайting. Ишонтириш ўзи-да ҳеч қандай муболағасиз далилларнигина му-жассам этади.		10 ва 16 БРМ
Келинг дўст бўлайлик. Сиз бошқа мамла-катдан келган янги ўқувчи билан дўстлашдингиз.	Картанинг орқа томони. Кубикни ташланг ва яна бир юриш қилинг. Сўн-гра картани тўпламнинг остига қўйинг. Сиз барқарор ҳаракатлар учун тақдирланасиз.		3 ва 16 БРМ
Бахти ҳаёт: Онлайн тарзда фаолият юрита-диган ҳарбий ташкилот, агар уларнинг маҳфий ҳарбий амалиётларига келиб қўшилсангиз, сизга художўй турмуш ўртоғи ва бахти ҳаёт ваъда беради. Шундай қилиб, сиз боришга қарор қилдингиз.	Картанинг орқа томони. Бу – муҳаббатини излаётганлардан фойдала-нишга интилаётган ташкилотлар томонидан қўлланадиган, ўз домига тортиш омили ҳисо-бланади. Ўзингизни нотўғри йўлга тортилиб кетишингизга йўл қўйманг! Майдондаги энг яқин нотўғри муюлишга ўтинг. Сўнгра 1 қадам олдинга силжинг. Картани «Танлов ёки Синов» карталари тўпламининг остига қўйинг.	Нотўғри муюлиш	3 ва 5 БРМ
Ўз қўлимизда: Сиз ва оиласнгиз фикрича, сизлар билан ёмон муносабатда бўлишган. Сизнингча, ягона йўл бу вазиятни ўз қўл остингизга олишдир.	Картанинг орқа томони. Муаммони ҳал қилиш учун зўравонлик қилиш ёки у билан таҳдид солиш зўравонликка асосланган экстремизм бўлиб, у кишиларнинг ўлимига ёки ярадор бўлишига сабаб бўлади, муаммонингизни ҳал ҳам этмайди ёки қийинчилклардан чиқиш йўлни ҳам тақдим этмайди. Зўравонликка асосланмаган қаршилик кўрсатиш ўзгаришларга тъсириб ўтказадиган воситалардан бири сифатида қўлланилган. Сиз нотўғри йўлдан бормоқдасиз. Ортга 5 қадам қайting. Сўнгра картани юзина пастга қаратиб, тўпламининг остига қўйинг.		10 ва 16 БРМ
1 БРМ: Қашшоқликка барҳам бериш: Барқарор ривожланиш мақсадлари (БРМ) акс эттирилган мазкур карта сизга лабиринтнинг навбатдаги босқичига ўтиш имконини беради ва мунособ тарзда, унинг марказига ҳам яқинлаштиради.	Картанинг орқа томони. Картадан фойдалангач, илтимос, уни яна тўплам остига қайтариб қўйинг.	1 ЛИКВИДАЦИЯ НИЩЕТЫ 	1 БРМ
4 БРМ: Сифатли таълим: Барқарор риво-жланиш мақсадлари (БРМ) акс эттирилган мазкур карта сизга лабиринтнинг навбатдаги босқичига ўтиш имконини беради ва мунособ тарзда, унинг марказига ҳам яқинлаштиради.	Картанинг орқа томони. Картадан фойдалангач, илтимос, уни яна тўплам остига қайтариб қўйинг.	4 КАЧЕСТВЕННОЕ ОБРАЗОВАНИЕ 	4 БРМ
5 БРМ: Гендер тенглиги: Барқарор риво-жланиш мақсадлари (БРМ) акс эттирилган мазкур картани сақлаб қўйинг. У сизга тўғри йўлга қайтишингизга ёрдам беради.	Картанинг орқа томони. Картадан фойдалангач, илтимос, уни яна тўплам остига қайтариб қўйинг	5 ГЕНДЕРНОЕ РАВЕНСТВО 	5 БРМ

Карталар бүйічә сценарийлар	Үйинга таъсири	Үйин графикаси	БРМ
10 БРМ: Тенгсизликни камайтириш: Барқарор ривожланиш мақсадлари (БРМ) акс эттирилган мазкур карта сизга лабиринтнинг навбатдаги босқичига ўтиш имконини беради ва муносиб тарзда, унинг марказига ҳам яқынлаштиради.	Картанинг орқа томони. Картадан фойдаланғач, илтимос, уни яна түплам остига қайтариб қўйинг.		10 БРМ
16 БРМ: Тинчлик, адолат ва самарали бошқарув институтлари: Барқарор риво-жланиш мақсадлари (БРМ) акс эттирилган мазкур карта сизга лабиринтнинг навбатдаги босқичига ўтиш имконини беради ва муносиб тарзда, унинг марказига ҳам яқынлаштиради.	Картанинг орқа томони. Картадан фойдаланғач, илтимос, уни яна түплам остига қайтариб қўйинг.		16 БРМ
Нафратни ташвиқ қилишга қарши кураш: Сиз ва оилангизнинг фикрича, ҳукумат сизнинг ҳаёт тарзингизга раҳна солмоқда. Шундай қилиб сиз, ўз хусусиятлари билан бошқалардан фарқ қиласидиган одамлардан нафратла-нувчи ва уларга зарар етказишни истовчи гурӯхга аъзо бўласиз.	Картанинг орқа томони. Ўз хусусиятлари билан бошқалардан фарқ қиласидиган одамлардан нафратланиш, сизнинг муаммоларингизни ҳал қилиб бермайди, билакс, уларни фақат оғирлаштиради. Барча одамлар хурматга сазовор. Сиз янгишдингиз. Ортга 5 қадам қайтинг.		10 ва 16 БРМ
Динларо ишонч муносабатлари: Ҳурмат-эҳтиромни нишонлашга бағишенланган ўз диний маросимингизга бошқа дин вакилларини таклиф этдингиз. Бағрикенглик ва хилма-хилликни қадрлаш барча учун фаровонлик ва мансублилик ҳиссини яратишга ёрдам беради.	Картанинг орқа томони. Кубикни ташланг ва яна бир юриш қилинг. Сўнгра картанинг юзини пастга қаратиб, түплам-нинг остига қўйинг. Сиз барқарор ҳаракатлар учун тақдирланасиз.		16 БРМ
Мослашиш: Ўртоқларингиздан айримлари кимгadir яхшироқ тақлид қилиш ва айрим одамлар уларга ҳурмат билан муносабатда бўлишлари учун, ўзларининг ташқи кўринишлари ва феъл-атворларини ўзгартиришга ҳаракат қиласидилар.	Картанинг орқа томони. Сиз, бошқа кимгадур тақлид қилгандан кўра, ўзлигинизни сақлаб қолишни тўғри деб қарор қилдингиз. Ижобий таассурот сизни ёлғон ваъадалар билан ўзларига оғдириб олишга урунаётгандарга қаршилик кўрсата олади. Кубикни ташланг ва яна бир юриш қилинг. Сўнгра картанинг юзини пастга қаратиб, түпламнинг остига қўйинг. Сиз барқарор ҳара-катлар учун тақдирланасиз.		3 ва 16 БРМ
Умумлаштириш: Танасининг ранги ўзгача бўлган кишига қарата, у ўз муайян ирқига мунсуб бўлганидан, жуда ҳам яхши нутқ сўзлаганини айтдингиз. Сизнинг хатти-ҳаракатларингиз, танасининг ранги ўзгача бўлган одамлар бошқаларга қараганда унчалик ақлли бўлмайдилар, деган ишонч ёки умумлаштиришга асосланади.	Картанинг орқа томони. Стереотиплар кишиларга асосан салбий тамға босадилар. Кишиларга танасининг ранги ёки сўзлашадиган тили, ёки келиб чиқишлиарига қараб баҳо беришнинг ўрнига, уларни шахс сифатида билиб олишга ҳаракат қилинг. Сиз ғишт деворга келиб тақалдингиз. Майдондаги йўлнинг ёпик ерига ўтинг. Навбатдаги юришдан маҳрумсиз.		16 БРМ





IV. ЛАБИРИНТНИ МОСЛАШТИРИШ

Стол атрофида ўйналадиган Лабиринт ўйини, унинг мослаштирилиши мумкинлигини инобатга олган ҳолда, ишлаб чиқилган. Самарадорликни ошириш мақсадида, ўқувчилар эҳтиёжларига ёки маҳаллий шарт-шароитларга кўпроқ мувофиқ бўлиши учун, ўқитувчи-лар ўйин ва дарс режасини қайта кўриб чиқишлари ва уларга ўзгартириш киритишлари мумкин. Лабиринт ўйини ўйин майдонини ўзгартириш, икки карта тўпламини шароитга мувофиқлигини таъминлаш ҳамда ўйин қоида ва стратегияларини ўзгартириш орқали, мослаштирилиши мумкин. Мослаштиришга оид умумий қоида шундан иборатки, ўйин-нинг асосий элементлари, унга ўзгартириш киритилгандан кейин ҳам, ўзгармай қолиши лозим. Агар асосий элементлар ўзгарадиган бўлса, унда эҳтимол, таълим натижалари ёки муҳим саволларни ҳам тўғрилаш керак бўлади. Мослаштириш бу – сиз ўйин орқали эришмоқчи бўлган натижаларингизнинг самарадорлигини оширишни назарда тутади. Ўйин учун талаб этиладиган маҳорат даражаси, ўйин ўйинчилар учун ҳаддан ташқари осон ёки жуда ҳам қийин бўлмаслиги учун, тўғриланиши мумкин. Ўқувчиларнинг малака даражасига қараб, маълум вақтдан сўнг, мослаштириш кўламини кенгайтириш ёки ка-майтириш мумкин. 1-Расмда ўйинни мослаштиришнинг бир неча усуллари кўрсатилган.

4.1 СТОЛ ЎЙИНИ УЧУН МАЙДОННИ МОСЛАШТИРИШ

Ўйинда ўзгарувчанлик ва ўйин суръатларини таъминлаш, шунингдек маҳаллий шарт-шароитларни инобатга олиш мақсадида, ўйин майдони ўзгартирилиши мумкин.

Ўйин майдонининг навбатдаги босқичига элитувчи қисқа, кесиб чиқувчи йўлларни яра-тинг. Қисқа йўллар, тўғри қарор қабул қилиш ёки карталар ёрдамида ижобий танлов қилиш, ёхуд тасодифан ўйин катагига келиб қолиш ҳолларига мос келиши керак.

Катаклардаги маълумотларни ўзгартиринг. Боши берк кўча ўрнига тўхтаб туриш жойи, ҳеч қаерга олиб бормайдиган, бир тарафгагина ҳаракат рухсат этилган кўча ёки йўл вара-интларини киритинг. Булар бизга муайян қарор ёки синовлар қандай қилиб бизни нотўғри йўлларга юришга ундаши мумкинлигини кўрсатади.

Ўйинчиларнинг майдонда ҳаракатланишига таъсир ўтказадиган бирмунча ўзгача страте-гияларни киритинг. Айни пайтда Барқарор ривожланиш мақсадлари (БРМ) ва «Айланиб ўтиш» белгиси бор бўлган катакча ўйинчиларга Лабиринтнинг навбатдаги босқичига ўтишларига имконият беради. Лабиринт тўрт босқичдан иборат. Тўртинчи босқич – бу марказ бўлиб, унга етиб келган ўйинчилар қаҳрамон мақомига эришадилар ва ютиб чиқадилар. Шу билан бирга, майдонга қўшимча БРМ катакчаларини ҳам қўшиш мумкин.

Ўйин майдонида маҳаллий мисол ва суратлардан фойдаланинг. Ўйиндаги ўзгаришлар маҳаллий топография, шарт-шароитлар ва муаммоларни акс эттириши мумкин. Мисол учун, майдондаги муайян белги, интернет қандай қилиб инсонни бир тарафгагина ҳара-катланиш рухсат берилган йўлга ёки боши берк кўчага келиб қолишига туртки бўлиши ва бу билан радикаллашув учун кўпроқ шароитлар яратилишини, ифода этиши мумкин.

Муҳим компонентлар ва элементлар эътироф этилган таълим натижаларига мувофиқ ке-лиши шарти билан, ўқувчилар ўз шахсий ўйин майдонларини ҳам яратишлари мумкин.

4.2 «ҚҮЛДАГИ КАРТАЛАР» (HYAD) ТҮПЛАМИДАГИ КАРТАЛАРНИ МОСЛАШТИРИШ

Үйинни үйнаш мүмкін бўлган турли ерларда, шу ерларнинг турфа маданияти ва ижти-моий анъаналарини инобатга олиш учун, «Қўлдаги карталар» (HYAD) тўпламига ўзгар-тиришлар киритиш мүмкін. Ўйин майдонида тўртта HYAD катакчалари мавжуд. Шундай бўлсада, уларни ҳам ўзгартирса бўлади. HYAD карталарини қўйидаги усууллар орқали мослаштириш мүмкін:

- Карталар қаторига шундайларини қўшингки, улар маданий шароитларга кўпроқ мувофиқ бўлсин. Мисол учун, «Сиз қиз болалардан кўра ўғил болаларни кўпроқ қадрлайдиган жамиятда яшовчи қиз боласиз» картасини «Сиз ўғил болалардан кўра қиз болаларни кўпроқ қадрлайдиган жамиятда яшовчи ўғил боласиз» картаси билан алмаштииринг. Бу ерда бошқа ўзига хос жиҳатлар ва муносибликни ҳам кўрсатиш мүмкін.
- Ўқувчиларни HYAD карталарини мослаштириш ишларига жалб этинг. Ўқувчилар, ўзла-рини афзал ёки камситилган ҳолларда кечирган ҳиссиётлари билан боғлиқ, ўз шахсий ҳаётий тажрибаларига таянишлари мүмкін.
- Ўқувчиларга БРМни таништииринг ва бунда улар яратган янги карталарини энг муносиб бўлган БРМга мувофиқлаштиришлари кераклигини айтинг.
- Ўқувчиларни HYAD сценарийлари таъсирини бошқача кўринишга келтириш ёки ўзгар-тириш ишларига жалб этинг. Мисол учун, юришни йўқотиш ўрнига, ортга ёки олдинга 5 қадам силжинг, ёки тўппа-тўғри боши берк кўчага боринг, каби. Бу ўринда бир неча им-кониятлар бор.
- Майдонда жойлаштириш учун қўл рамзи туширилган ҳар-хил тасвир ёки белгиларни тай-ёрланг. Қўлда битта бармоқ етишмаслиги, ёки унинг рангги, ўлчами ё шакли ўзгача бўлиши мүмкін. Бу каби фарқлар инсон танасининг шу қисмидага турли хилликни ифо-да этади.

4.3 «ТАНЛОВ ЁКИ СИНОВ» КАРТАЛАРИНИ МОСЛАШТИРИШ

Маҳаллий шарт-шароитларга яхшироқ муносиб бўлиши учун «Танлов ёки Синов» карта-лари мослаштирилиши мүмкін. Зўравонлик ва радикаллашувга имконият яратувчи ша-роитлар кўп ҳолларда маълум бир ерга хос бўлади. Танлов ва синовлар, айни пайтда ёшлар юз тутган вазият ва ҳолатларни ифода этувчи, муайян вазиятни акс эттира олиши зарур. Ўйин майдонида еттита катакча бўлиб, у ерда ўқувчилар «Танлов ёки Синов» карталарини олишлари керак бўлади. Шундай бўлсада, уни мослаштириш мүмкін.

- Маҳаллий шароитларга мос келиши учун сценарийларга ўзгартиришлар киритинг. Мисол учун, карталарга маданий қадрияtlарга кўпроқ мос келадиган, мисолларни киритинг. Ўқитувчилар ёки ўқувчилар мана бу жойларни тўлдиришлари мүмкін:

«Сизга _____ тўғрисидаги ўзларининг сұхбатларига қўшилишни таклиф этган, интернетдаги мазкур янги гурухни топгунингизга қадар, ёлғиз эдингиз ва ўзингизга дўст ёки яшашдан мақсад ахтараётган эдингиз» жумласининг ўрнига, ўқитувчилар ёки ўқувчилар мана бу бўш катакчаларда туришлари мүмкін.

Сизни _____ таклиф этган, _____ ни топганингизда, сиз эдингиз.

- Сценарийларни ўйин якунларидан сўнгги сессияда муҳокама қилса бўлади.

- Малака даражасига қараб, ўқувчиларга, уларнинг мактаблари, маҳаллаларида бошидан кечирган ўз маданиятларига хос вазиятларни акс эттирадиган, шахсий сценарийларини тузишни таклиф этиш мүмкін. Мисол учун, карталарни маҳаллий тил ва тимсолларга ўгириш, каби. «Танлов ёки Синов» карталарини тузиб бўлгач,

ўқувчиларни карта ёки танловни ўйин майдонига боғлашларини сўранг. Танлов ёки қарор қандай таъсирга эга? Бошқача қилиб айтганда, «Танлов ёки Синов» карталар тўпламидан келиб чиқадиган яхши ёки ёмон қарорларни ўйин майдонида мустаҳкамлаш имконини яратинг. Сиз ўйинчиларни, салбий оқибатларни кучайтириш учун, Ортга айланиш еридаги Боши берк кўчага юборасизми?

Ўқувчиларга БРМни таништиринг ва бунда улар тузган янги карталарини энг муносиб бўлган БР-Мга мувофиқлаштиришлари кераклигини айтинг.

4.4 ҚОИДАЛАРНИ ЎЗГАРТИРИШ ОРҚАЛИ ЎЙИННИ МОСЛАШТИРИШ

Ўйин, ундаги айрим қоидаларни қисман ўзгартириш орқали ҳам, мослаштирилиши мумкин. Мослаштиришга тегишли асосий шартлар бу ерда ҳам тадбиқ этилади. Қоидалар-даги, мисол учун, ўйинчилар қандай қилиб ўйинда ғолиб чиқишиларини тартибга солувчи қоидалардаги ўзгаришлар кенг кўламли бўлса, натижада таълим натижалари ёки муҳим саволларни ҳам муносиб равишда тузатишга тўғри келади. Қоидалардаги ўзгаришлар барча ўйинчиларга баробар тадбиқ этилиши зарур. 1-Расмда қоидаларни ўзгартиришнинг бир неча усула-ри намойиш этилган.

Қоидалар қўйидагича усувлар билан мослаштирилиши ёки ўзгартирилиши мумкин:


- Ўйин суръатини ёки кечишини яхшиловчи қоидаларни ўзгартиринг. Масалан, майдонда ҳаракатланиш учун бир эмас, иккита кубикдан фойдаланинг, ёки айланадиган доирани ишлатинг.
- БРМ карталарини қўллаш билан боғлиқ қоидаларни ўзгартиришнинг мумкин. БРМ Ла-Биринтнинг юқори босқичларига етишиш, қаҳрамон ёки ғолиб бўлиш учун, йўл очади. БРМни шундай сақлаш ёки янгисига алмаштириш мумкинки, натижада майдонда ёки ўйин давомида ҳаракатланишнинг ўзгача шаклларини қўллаш имкони пайдо бўлади. Шундай бўлганда ҳам,

қоидалардаги ўзгартиришлар, унга мувофиқ, БРМ барқарор ҳара-катлар ёки танлов учун мукофот сифатида хизмат қилувчи, асосий элементни ўзгартириб юбормаслиги зарур.

Ўйин майдонидаги катақчалар ўйин кечишига ва майдонда ҳаракатланишга қандай таъсир кўрсатишини тартибга солувчи қоидаларга ўзгартириш киритишингиз мумкин. Боши берк кўчага келиб қолганингизда, у сизни яна «Бошланиш нуқтаси»га ёки май-дондаги «Айланиб ўтиш» нуқтасига қайта йўналтириши мумкин.

Ўйин қоидаларини ўзгартириш уни алоҳида эҳтиёжларга эга бўлган ўйинчилар учун қулайроқ бўлишини таъминлайди. Қўлларини ишлатишга қийналадиган болалар учун ўйин фигулярини, мисол учун, ўзгача ўлчам ва шаклга эга бўлган бошқача фигуralар-ни бериш орқали, алмаштириб беришнинг мумкин. Кубикларни ташлаш қўлларини ишлатишга ва идрок этиш фаолиятида қийинчиликларни бошидан кечирадиган ўқувчилар учун осон бўлмаслиги мумкин. Айланадиган доирадан фойдаланишнинг, ёки синф билан рақамлар ва нуқтачалар туширилган, катта момиқ кубик ясашингиз мумкин.

«ЛАБИРИНТ» ЎЙНИНИ



МОСЛАШТИРИШ УСУЛЛАРИ

(1-Расм)

Үйин қоидаларини ЎЗГАРТИРИШ

Үйин суръати ва кечишини яхшиловчи қоидани ўзгартиринг

БРМ карталаридан шундай фойдаланингки, майдонда тезроқ ё ўзгача усулда ҳаралтана олиш учун, уларни сақлаб қўйиш ёки янгисига алмаштириш имкони бўлсин

Ўқувчиларингиз кўникмалари даражасига қараб, ўйинни мураккаброқ ёки осонроқ қилувчи қоидаларни тузинг

Алоҳида эҳтиёжларга эга ўқувчилар учун ҳам ўйинда иштирок этиш имконини берувчи қоидаларни тузинг

«Танлов ёки Синов» карталар тўпламиини МОСЛАШТИРИШ

Маҳаллий шарт-шароитларга муносиб бўлиши учун сценарийларни ўзгартиринг

Карталарни маҳаллий тил ва ишораларга ўгиринг

Ўқувчилар ёки ота-оналар жамоалари Танлов ёки Синов сценарийини ишлаб чиқишлиарни таъминланг

Карталарни муносиб Барқарор Ривожланиш Мақсадлари билан мувофиқлаштиринг

